



# Маҳалла

ЧОРШАНБА

2014 йил 1 октябрь,  
№82 (1049)

www.mahallagzt.uz info@mahallagzt.uz

## Ўзбекистон ўқитувчи ва мураббийларига

Муҳтарам устоз ва мураббийлар!  
Авалло, сизларни умумхалқ байрами — Ўқитувчи ва мураббийлар кунин билан самимий табриклаб, барча-барчангизга ўзимнинг юксак ҳурмат-эҳтиромим ва эзгу тилакларимни изҳор этишдан бахтиёрман.  
Бугун биз мана шу қутлуғ айёмни кенг нишонлар эканмиз, сиз, азизларнинг болаларимиз, ёш авлодимизга билим ва тарбия беришдек ўта мураккаб, ўз касбига меҳр ва садоқатни, бутун борлигини бағишлашни, фидойиликни талаб этадиган шарафли меҳнатингиз учун сиз, муҳтарам муаллимлар зоти олдида барчамиз чин қалбимиздан, юрагимиздан сизларга миннатдорлик билдиришни ўз бурчимиз деб биламиз.

Айни шу фикрларни, яъни фарзандларимизни камол топтириш, уларга илму фан сирларини ўргатишдек ғоят масъулиятли ишни адо этиб келаётган инсонларнинг ҳеч нарса билан ўлчаб, қийслаб бўлмайдиган олижаноб меҳнатини инобатга олиб, бундан 18 йил муқаддам Ўқитувчи ва мураббийлар кунини таъсис этганимиз ва уни умумхалқ байрами даражасига кўтарганимиз жамоатчилигимиз, бутун халқимизнинг хоҳиши ва интилишини ўзида муҳассам этади, десам, ўйлайманки, ҳақиқатни айтган бўламан.  
Азиз устозлар, муаллимлар!

Дунёда «Ўзбек модели» деб тан олинган, мамлакатимиз миллий тараққиёт стратегиясининг ажралмас қисми бўлган Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини ўз вақтида қабул қилиб, амалга оширганимиз янги ҳаёт, янги жамият қуришида энг кучли, айтиш мумкинки, энг қудратли омил бўлиб, нафақат таълим соҳасини, балки одамларимизнинг дунёқаролини, бутун ҳаётимизни тубдан ўзгартириб юборгани ҳақида бугун ҳар қанча гурурланиб, фахрланиб гапирсак, арзийди, албатта.

Биз ўз олдимишга қўйган эзгу мақсадларга эришиш йўлида, жумладан, энг мураккаб, шу билан бирга, ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган таълим-тарбия соҳасида ғоят муҳим масалани ечишда, яъни, биз бошлаган ишларни давом эттирадиган, замонавий билим ва касб-ҳунарларни ағаллаган, янгиликка интилиб яшайдиган, ҳеч қандам қўлсиз бўлмайдиган ёш авлодни тарбиялаш борасида ҳақиқатан ҳам қийин ва машаққатли йўлни босиб ўтганимиз, аввал таърихда мутлақо қўрмаган марраларни забт этишга қандай қатъиянлик билан ҳар қандай қатъиянлик билан ҳақиқатан ҳам назарий, ҳам амалий пойдевор яратдик.

Таълим соҳасидаги ноёб дастурларимизнинг ижроси қанча куч ва имконият, қанча маблагни талаб қилгани — бу ўз йўли билан, лекин мана шундай улкан ва улғуров ишларни амалга оширишда айнан сизлар ўзингизни аямасдан, сидқидилдан меҳнат қилганингиз ҳисобидан биз юртимизда бу соҳада туб бурилиш ва ўзгаришларга ҳам назарий, ҳам амалий пойдевор яратдик.

Қанча-қанча янги таълим стандартлари, ўқув дастурлари, қўлланма ва дарсликларни ишлаб чиқиб, амалда жорий этиш, уларни ҳар бир ўқувчи, ҳар бир талабанинг онгу шурига сингдириш учун бутун соҳа ходимлари, сиз, ҳурматли муаллим ва устозлар бу мактабдан аввало ўзингиз ўтганингиз, беминнат хизмат қилиб келаётганингизни ҳақиқий фидойилик намунаси, десак, ҳеч қандай хато бўлмайди.

Мамлакатимиз, давлатимиз учун ҳал қилувчи мураккаб бир даврда сизлар билан бирга таълим соҳасини тубдан ўзгартириб, замон талаб қилаётган даражага кўтаришга эришганимизни кўз ўнгимиздан ўтказар эканмиз, бу йўлда сиз, азизларнинг қандай қийин бўлмасин, қатъиятлик ва фидойилик кўрсатганингизни, бу буюк мақсад учун белни маҳкам боғлаб меҳнат қилганингизни мен чинакам жасорат деб баҳолайман ва мана шундай олижаноб фазилатларингиз учун барча-барчангизга таъзим қиламан.

Қадрли ватандошлар!  
Ҳар бир инсон, ҳар бир ота-онанинг эзгу орузи бўлмиш соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаш, шу мақсадда минглаб замонавий ўқув максафлари, болалар спортини иншоотларини барпо этганимиз, илғор педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларини ўқув жараёнига жорий этиш буйича амалга оширилган кенг қўламли ишлар, соҳа ходимларининг меҳнатини муносиб қадрлаш, моддий ва маъ-

навий рағбатлантиришга қаратилган самарали тизим ишлаб чиқиб, амалда татбиқ этганимиз ва бошқа кўпгина чора-тадбирлар бугун ўз ижобий натижасини бермоқда. Хусусан, биргина сўнгги беш йилда ойлик иш ҳақи халқ таълими муассасаларида 2,9 баробар, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизимида қарийб 4 марта, олий таълим соҳасида 3,6 карра оширилгани, минглаб устоз ва мураббийлар, профессор-ўқитувчиларимиз Ватанимизнинг юксак унвонлари, ордени ва медаллари билан тақдирлангани ҳам ана шундан далолат беради.

Ҳурматли дўстлар!  
Барчамизга аёнки, бугунги глобал интеграциялашув шароитида, кундалик ҳаётимизга компьютер технологиялари ва Интернет тизими жадал кириб келаётган бир пайтда хорижий тилларни ҳар томонлама пухта эгаллашдан туриб, жаҳон ҳамжамияти билан ҳамқаддам бўлиб яшашни тасаввур этиб бўлмайди.

Айни шу мақсадда мамлакатимизда ўтган йилдан эътиборан умумтаълим мактабларининг 1-синфидан бошлаб чет тилларни ўқитишни узлуксиз тизими жорий қилинган янги амалий қадам бўлди. Бу соҳада ишни тўғри ташкил этиш, қўлланган самараларга эришиш учун аввало мавжуд ўқув-методик базани мустаҳкамлаш, дастур ва қўлланмаларни янада такомиллаштириш, педагог ходимларнинг билим ва малакасини ошириш зарурлиги ҳақида ортиқча гапиришни ҳоҳлати йўқ, деб ўйлайман.

Шу билан бирга, таълим масканларида «Ziyou» тармоғи ёрдамида ўқув-тарбия жараёнларини бугунги тараққиёт, миллий ва умумбашарий тафаккур ютуқлари билан узвий боғлиқ равишда олиб бориш, Мультимедиа умумтаълим дастурларини ривожлантириш маркази фаолиятини кучайтириш, ўқув адабиёти ва қўлланмалари электрон турларининг илмий-услубий савиясини юксалтириш муҳим вазифамиздир.

Айни шу йўналишдаги ишларимизнинг узвий давоми сифатида жорий йилда Жанубий Кореянинг дунёда ном қозongan нуфузли Инха университетининг Тошкент филиалини, шунингдек, таълим соҳаси билан боғлиқ бўлган янги ўқув ва малака ошириш марказларини ташкил этганимиз ёшларимиз учун янги имконият ва янги уфқлар очиб бериши муқаррар.

Бугунги кунда дунёда, ён-атрофимизда қарама-қаршилик ва зиддиятлар кўпайиб, инсон қалби ва онгини ағаллаш, биринчи навбатда, ёшларнинг маънавий оламидан издан чиқариш, уларни ўз ота-онасига, эл-юртига қарши қўйишга қаратилган таҳдид ва хуружлар кучайиб бораётган мураккаб ва таҳликали замонда ўзининг қилганини, қандай буюк зотларнинг авлоди, қандай бебаҳо мерос ворислари эканини теран англаб, она юртга муҳаббат ва садоқат хисси билан яшайдиган ёш авлодига муқаддас заминимизни ёт ва бегона таъсирлардан, бало-қазолардан сақлашга, Ватанимизни ҳар томонлама равақат топтиришга қодир бўлади.

Бу ҳақида гапирганда, юртимизда ҳукм сураётган тинчлик ва осойишталик, ўзаро ҳурмат, меҳр-оқибат муҳитини кўз қорақидек асрашда, авваламбор, болаларимизни мустақил фикрга эга бўлиб, оқни қорадан ажратишга қўриб етadиган инсонлар этиб, бир сўз билан айтганда, ёшларимизнинг иродасини мустаҳкам ва бақувват қилиб тарбиялашда сиз, муҳтарам ўқитувчи ва мураббийлар бундан буён ҳам куч-ғайратингиз, билим ва таърибангизни аямасиз, деб ишонаман.

Азизларим, кадрдонларим!  
Давлатимиз, жамиятимиз сизларнинг Ватанимиз тараққиётига қўшаётган қатъият хиссангизни, масъулиятли фаолиятингизни юксак баҳолайди ва қадрлайди. Бу масала келгусида ҳам доимий эътиборимиз марказида бўлиб қолади, деб ишонтириб айтаман.

Фурсатдан фойдаланиб, сизларни қутлуғ байрамингиз билан яна бир бор табриклаб, барчангизга сийҳат-саломатлик, оилаларингизга бахту саодат, эзгу ишларингизда янги ютуқ ва омадлар тилайман.  
Ҳеч қачон кам бўлмаган, умрингиздан баррака топинг, азиз ва меҳрибон устозлар!

Ислом КАРИМОВ,  
Ўзбекистон Республикаси  
Президенти

## 1 ОКТАБРЬ — ЎҚИТУВЧИ ВА МУРАББИЙЛАР КУНИ



## Маърифат фидойиларига эҳтиром

«Туркистон» саройида Ўқитувчи ва мураббийлар кунига бағишланган тантанали тадбир бўлиб ўтди

Мамлакатимизда жисмонан соғлом, маънан етук, ҳеч қимдан кам бўлмаган баркамол авлодни вояга етказишдек эзгу мақсад йўлида халол ва фидокорона меҳнат қилаётган ўқитувчи ва мураббийлар халқимиз ардоғида. Бир неча йилдан буён юртимизда 1 октябрь Ўқитувчи ва мураббийлар кунини сифатида кенг нишонланаётган масъулиятли ва шарафли касб эгаларининг обрў-эътибори янада юксалиб, меҳнати қадр топаётганининг ёркин ифодасидир.

■ Дилшод КАРИМОВ,  
ЎЗА мухбири.

Таълим соҳаси раҳбарлари, фаол ўқитувчи ва мураббийлар 30 сентябрь кунини пойтахтимиздаги хурриятимиз, порлоқ истиқболимиз ва эзгу ниятларимиз рамзи бўлган Мус-

тақиллик ва эзгулик монументи пойига гуллар қўйди. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан бунёд этилган замонавий иншоотлар, таълим, маданий-маърифий, спорт-соғломлаштириш муассасалари фаолияти билан танишди.  
Шу кунини «Туркистон» саройида

Ўқитувчи ва мураббийлар кунини муносабати билан бўлиб ўтган тантанали тадбирда мамлакатимиздаги умумтаълим мактаблари, ўрта махсус ва олий ўқув юртлири ўқитувчилари, мураббийлар, турли вазирлик ва идоралар, жамоат ташкилотлари вакиллари иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Ўзбекистон ўқитувчи ва мураббийларига байрам табригини Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Х.Султонов ўқиб эшиттирди.

> [2]

## ТАРАДУД

## Эзгулик ва шукроналик айёми



Истиқлол туфайли қайта тикланган Қурбон хайити юртдошларимиз, айниқса, ёшлар ўртасида меҳр-оқибат ришталарини мустаҳкамлаш, ўзаро ҳурмат ва меҳр-муруватни янада барқарорлаштириш билан маънавий ҳаётимизда муҳим тарбиявий аҳамиятга эга.

■ Отабек АНОРОВ,  
«Маҳалла» хайрия жамоат фонди  
Ангрен шаҳар бўлиммаси раиси.

## ҚОНУН МОҲИЯТИ

## Ижтимоий шерикликнинг муҳим ҳуқуқий асоси

Мамлакатимизда демократик ҳуқуқий давлат ва кучли фуқаролик жамиятини шакллантиришда аҳолининг барча қатламларини қўллаб-қувватлайдиган фуқаролик жамияти институти муҳим аҳамият касб этади.

■ Мирвал Мирракулов,  
Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги  
Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинг институти  
бўлим бошлиғи, юридик фаилар номзоди.

Бугунги кунда юртимизда фаолият юритаётган олти мингдан зиёд нодавлат нотижорат ташкилоти инсон ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялаш, халқимизнинг сиёсий-ижтимоий фаоллигини ошириш, жамиятда манфаатлар мувоzanатини таъ-

лаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида илгари сурилган ташаббус асосида ишлаб чиқилган ва жорий йилнинг 26 сентябрь кунини матбуотда эълон қилинган «Ижтимоий шериклик тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни амалга оширилаётган ислохотларнинг мантйқий давоми бўлди.

Ушбу қонун лойиҳаси миллий ва халқаро даражадаги турли анжуманларда кенг жамоатчилик муҳокамасидан ўтказилди. Қонун 5 боб, 30 моддадан иборат бўлиб, иж-

тимоий шериклик ва унинг субъектлари, асосий принциплари, шакллари, уларни амалга ошириш тартиби, ижтимоий шерикликни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, мазкур муносабат субъектларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари каби муҳим масалаларни қамраб олган.

Қонунда, аввало, ижтимоий шериклик тушунчаси ва унинг субъектлари, асосий принциплари ҳамда уни амалга ошириш мумкин бўлган соҳалар аниқ белгилаб қўйилган.

Қонунда ижтимоий шерикликнинг давлат томонидан

## МАТБУОТ АНЖУМАНИ

## Таълим ва тарбиянинг уйғунлиги баркамоллик мезонидир

Дунёда касблар жуда кўп. Ҳар бирининг ўзига хос жиҳати, жамият ҳаётида муҳим ўрни бор. Аммо ҳеч бир касб-кор соҳибни муаллимчилик фарзандлар қалбини эзгулик ва маърифат ёғуси билан мунаввар эта олмайди, ёш авлодни ҳаётга йўллашда муаллимчилик фидойилик кўрсатишга қодир эмас. Шу боснадан ҳам мамлакатимизда ўқитувчи ва мураббийлар юксак ҳурматга сазовор, улар меҳнатининг кадр-қиммати улғур.



■ Юлдуз ХОЖИЕВА  
«Mahalla»

Гулшан Махмудова — ўқитувчи. У ўн йилдирки, Наманган шаҳридаги 6-сонли ихтисослаштирилган умумтаълим мактабининг инглиз тили фанидан ёш авлодга сабоқ беради. Жорий йилда изланувчан педагогнинг меҳнатлари муносиб қадр топиб, республикада «Йилнинг энг яхши инглиз тили ўқитувчиси» дея эътироф этилди. Қайбда миннатдорлик туйғулари тошган ёш педагог ўқувчи-ёшларнинг билимга чанқоқлигини, инглиз тилини пухта эгаллашга ёшлар ўртасида қизиқиш тобора ортиб бораётганини эътироф этади.

— Халқимизда: «Тил билмоқ — эл билмоқ», деган мақол бежиз айтилмаган, — дейди Г.Махмудова. — Президентимизнинг «Чет тилларини ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори юртдошларимизнинг чет тилларини пухта ўрганишлари учун замин яратибгина қолмай, бу фан ўқитувчиларининг меҳнатларини муносиб рағбатлантиришга ҳам асос бўлди. Қарорга мувофиқ, имтиздан фойдаланиб ойлик маошимга қўшимча тарзда 15 фоиз устам олаётганман. Қолаверса, АҚШда малака ошириб қайтиб, ўзлаштирган усулларимни ёш авлоднинг пухта билим эгаллашига сарфламоқдаман. Яратилаётган шароитлар меҳнатларимизни энгиллаштираётган, рағбат янгиладан-янги муваффақиятлар сари қорламоқда. Ёш авлодни ўқимишли, маданиятли, замонавий фикрлайдиган шахс этиб тайёрлашда бор куч-имкониятларимни ишга соламан.

> [2]

> [2]



МАҲАЛЛА ТИЗИМИДА КИМЛАР ИШЛАЙДИ?

Юксак шараф улкан  
масъулият ва ишонч рамзидир

Бугунги кунда Самарқанд вилоятининг 3,5 миллионга яқин аҳолисида 1 миллион 700 минг нафардан ортгани хотин-қизлар ташкил этади. Улар турли жабҳаларда фидокорона хизмат қилиб, жамият ривожига муносиб ҳисса қўшиб келишмоқда.

Абдулазиз  
ЙЎЛДОШЕВ

Маҳаллаларда фаолият юритаётган диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар ҳам мамлакатимизда давом эттирилаётган ислохотлар моҳияти, миллий қадриятларимиз аҳамиятини аҳоли ўртасида изчил тарғиб этишмоқда. Жумладан, Оқдарё туманидаги «Ўзбекистон» маҳалла фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Матлуба Эшмуродова ана шундай жонқуяр аёллардан.

Ўн йилдан буён мазкур масъулиятли вазифада ишлаб келётган М.Эшмуродова фаол маънавий тарғиботчиси сифатида ҳудудда ижтимоий-маънавий муҳит соғломлиги ва оилалар мустақамлиги йўлида муносиб хизмат қилмоқда. У тегишли ташкилот ҳамда идоралар билан ҳамкорликда маҳаллада «Соғлом оила — юрт келажаги пойдевори», «Никоҳдан олдин тиббий кўриқдан ўтишининг оила кўриқдаги аҳамияти», «Соғлом оила — юрт келажаги пойдевори», «Қариндошлар ўртасидаги никоҳ ҳамда эрта турмушнинг салбий оқибатлари» ва «Одам савдоси, унга қарши кураш — барчанинг иши» каби мавзуларда давра сўбатлари, учрашувлар ташкил этаяпти.

МАҲАЛЛАДА САНОАТ

Тикувчилик тармоғида иш қизғин

Тошкент вилояти Бекобод туманидаги «Гулистон» маҳалласи ҳудудида кичик тикувчи фаолият бошлади. Натижада йиғиннинг бичиш-тиқишга ўқувчи бор 10 нафар хотин-қизи ишли бўлди. Қолаверса, бу ерда яна шунча касб-хунар коллежи битирувчилари ишлаб чиқариш амалиётини ўташмоқда.



А. БОЙМУРОД  
«Mahalla»

— Тикувчилик тармоғини банкнинг мақсадли кредит маблағи ва йиғин фаолларининг қўллаб-қувватлаши нати-

ёрдан берапти. Болалар бўш вақтларида спорт билан шуғулланишти, хунармандчилик ва рақс тўғрисида қатнашяпти. Ўтган йилги вояга етмаганлар ўртасида жиноятчилик ҳолатлари кузатилмади. Бунда «Оила — маҳалла — таълим муассасаси» ҳамкорлик тизимининг таъсир кучи асосий омил бўлди.

Маҳалла аҳлининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялаш, ёшларни миллий қадриятларимизга ҳурмат ва Ватанга садоқат руҳида тарбиялаш, уларга соғлом турмуш тарзини таъсирчан воситалар орқали тарғиб этиш ишлари ҳам яхши йўлга қўйилган. Маслаҳатчи 2011 йилда «Фуқаролар йиғинларининг энг намунали диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси» кўриқ-танловининг вилоят босқичида номиница қилиб бўлди. Ўтган йилда эса мазкур кўриқ-танловнинг республика босқичида «Миллий анъаналар ҳамда урф-одатларни кенг тарғиб қилишдаги фаоллиги учун» номиница қилиб бўлди.

«Энг намунали миллияция таянч пунктлари» танловининг вилоят босқичида «Маърифатпарвар маслаҳатчи» номиница қилиб бўлди. Қолаверса, тадбиркорларнинг истеъмолчиларга муомалалари ҳам зийрак фуқароларнинг эътиборидан четда қолмаётгани йўқ.

— Туманимиздаги йирик савдо марказларидан бири «Авиасозлар» деҳқон бозори маҳалламиз ҳудудида жойлашган, — дейди Бобур но-

ЖАМОАТЧИЛИК НАЗОРАТИ

Истеъмолчилар ҳуқуқ ва манфаатининг кафолати

— Ўтган ҳафта ўғлимни «Авиасозлар» деҳқон бозорига гўшт харид қилиш учун жўнатдим. Уйга келгач, гўштни чамалаб кўрдим, назаримда «чўғи» камроқдай туюлди. Дарҳол тазогага қўйдим. Адашмаган эканман — 2 килога 230 грамм етмапти. Оббо, Эркинжонни еш бола деб алдашдибди-да. Ўғлимдан гўштни қаердан, кимдан олганини суриштирдим. Шу кунгича маҳалла идорасига чиқдим, фаолларга воқеани тушунтирдим. Улар кўмағида кўрилган зарар қисқа фурсатда қопланди, — дейди Дило-ром Худойназарова.

Толибжон НИЗОМОВ  
«Mahalla»

Пойтахтимизнинг Яшнобод туманидаги «Авиасозлар» деҳқон бозорига ёндош маҳалла фуқаролар йиғинларига фуқаролар тез-тез мурожаат қилиб туришади. Улар нафақат савдо-сотик, балки ҳудудларнинг санитария ҳолати бўйича ҳам йиғин фаолларига ўз фикр-мулоҳазаларини айтишади. Қолаверса, тадбиркорларнинг истеъмолчиларга муомалалари ҳам зийрак фуқароларнинг эътиборидан четда қолмаётгани йўқ.

— Туманимиздаги йирик савдо марказларидан бири «Авиасозлар» деҳқон бозори маҳалламиз ҳудудида жойлашган, — дейди Бобур но-

мидаги маҳалла фуқаролар йиғини раиси Равшан Йўлдошев. — Бозорда ҳавфсизлиги ветеринария хизмати томонидан кафолатланмаган гўшт ва сут маҳсулотлари сотилишининг олдини олиш мақсадида «Маҳалла» хайрия жамоат фонди туман бўлими ҳамда туман санитария ва эпидемиология маркази, ветеринария хизмати ходимлари ҳамкорлигида бозор ҳудудида навбатчилик ташкил этилган.

Ҳудуди бозор билан туташган «Парвоз», «Бирлашган», «Баҳор», «Авиасозлар» ҳамда Бобур номидаги маҳаллалар фаоллари томонидан ўрнатилган жамоатчилик назорати натижасида савдо марказида нархлар барқарорлиги таъминланиб, яроқлилик мuddати ўтган маҳсулот-



лар савдосига чек қўйилапти.

Аваллари бозорга ким нима келтирса сотаверган. Назорат ҳам хаминкадар: биров билан бировнинг иши бўлмаган. Сифатсиз гўшт ва бошқа маҳсулотларни харид қилиб, пулига «қуйиб» қолган фуқаролар учурди.

Фуқаролар йиғинларининг ваколатлари кенгайгани, асосий йўналишлар бўйича комиссиялар, хусусан,

Жамоатчилик назорати ва истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича комиссиянинг вазифалари кўпайиб кетди. Чунки оила бошлиқлари харид асносида маҳсулотнинг сарасини танлаб олади. Қолаверса, савдолашишнинг ўзига яраша тартиб-қоидалари ҳам бор. Улардан энг муҳими сотувчи билан олувчининг маҳсулот нархи устида талашиб-тортишишидир. Айрим ота-оналар эриниб, бозорга вояга етмаган фарзандини жўнатади. Бунинг оқибатида улар фойда кетидан қувган баъзи «тадбиркорлар»га қаллоблик учун имкон яратиб бераётганларини хаёлга келтиришмайди.

— Савдо қоидаларига ва фуқароларга хизмат кўрсатиш маданиятига риоя этилиши устидан назоратни амалга оширишда тегишли давлат органларига кўмаклашиш низомида кўрсатилган вазифаларимиздан, — дейди «Авиасозлар» маҳалласининг Жамоатчилик назорати ва истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича комиссия аъзоси Шоҳиста Абдумавлонова. — Шунингдек, истеъмолчилар ҳуқуқларининг поймол қилиниши бўйича чоралар кўриш юзасида тегишли давлат органларига мурожаат қилиш ҳақида фуқаролар йиғинига тақлиф қилиш ваколатига ҳам эгамиз. Бугун ушбу ваколатлардан тўлиқ фойдаланишимиз ҳамда ўрнатилган назорат туфайли истеъмолчилар манфаати ҳимояланмоқда.

Халқимизда: «Бозорини ўзинг қил», деган нақл бежиз айтилмаган. Чунки оила бошлиқлари харид асносида маҳсулотнинг сарасини танлаб олади. Қолаверса, савдолашишнинг ўзига яраша тартиб-қоидалари ҳам бор. Улардан энг муҳими сотувчи билан олувчининг маҳсулот нархи устида талашиб-тортишишидир. Айрим ота-оналар эриниб, бозорга вояга етмаган фарзандини жўнатади. Бунинг оқибатида улар фойда кетидан қувган баъзи «тадбиркорлар»га қаллоблик учун имкон яратиб бераётганларини хаёлга келтиришмайди.

— Савдо қоидаларига ва фуқароларга хизмат кўрсатиш маданиятига риоя этилиши устидан назоратни амалга оширишда тегишли давлат органларига кўмаклашиш низомида кўрсатилган вазифаларимиздан, — дейди «Авиасозлар» маҳалласининг Жамоатчилик назорати ва истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича комиссия аъзоси Шоҳиста Абдумавлонова. — Шунингдек, истеъмолчилар ҳуқуқларининг поймол қилиниши бўйича чоралар кўриш юзасида тегишли давлат органларига мурожаат қилиш ҳақида фуқаролар йиғинига тақлиф қилиш ваколатига ҳам эгамиз. Бугун ушбу ваколатлардан тўлиқ фойдаланишимиз ҳамда ўрнатилган назорат туфайли истеъмолчилар манфаати ҳимояланмоқда.

ХИРМОНГА ҲИССА

Тарғибот ва мадад гуруҳи кўмағида

Сурхондарё вилоятининг Шўрчи тумани, асосан, деҳқончиликка ихтисослашган бўлиб, пахтачилик етакчи тармок ҳисобланади. Пахта йиғим-терим мавсуми ҳал қилувчи паллага кирган дамларда эса, меҳнат аҳлининг ҳаётини мазкур жараёндан холи тарзда тасаввур этиб бўлмайди.



Нигина ШОЕВА  
«Mahalla»

Куз фаслининг ҳар бир дақиқасини ғанимат билан шўрчиликлар айни кунларда етиштирилган мўл ҳосилни нест-нобуд қилмай йиғиштириб олиш учун астойдил тев тўқишмоқда. Йиғим-терим ишларида маҳалла фаоллари ҳам жонбозлик кўрсатаётгани эътиборга молик.

Тумандаги «Ешгайрат» маҳалласида жойлашган «Нурмат Хўжакулов» фермер хўжалиги 336 тонна хирмон бунёд этиб, шартномавий режани мuddатидан илгари бажаришида маҳалла фаолларининг хизмати катта бўлди.

Хўшбоқ Ишназаров раҳбарлик қилаётган фермер хўжалигидаги 92,5 гектар ерга чигитнинг «бешқарамон» нави экилганди. Агротехник тадбирлар ўз вақтида бажарилгани, ғўза сифатли парвариш қилингани

боис фермер хўжалигида бу йил ҳам гектаридан 40 центнердан ҳосил кўтарилиб, туманда биринчилар қаторида шартнома ортиги билан бажарилди. — Шартномада кўрсатилган 317 тонна ўрнига 336 тонна пахта топширдик, — дейди фермер. — Хўжалигимизда доимий ва мавсумий ишлайдиган 120 нафар ишчи билан бирга маҳалла томонидан жалб этилган хашарчилар ёрдамида кунига 22 тоннагача ҳосил йиғиб олинди. Ф.Хайдарова, Г.Шокирова, О.Умарова, С.Шукурова каби меҳнаткашлар кунига 180 килогача пахта териб, улкан хирмон бунёд этишимизга ўз хиссаларини қўшишди.

Шўрчи туманида аҳолини пахта йиғим-теримига жалб қилиш бўйича мавсум бошидаёқ «Маҳалла» хайрия жамоат фонди республика бошқаруви ҳамда туман ҳокимлиги томонидан 42 нафар кишидан иборат 11 та тарғибот гуруҳи шакллантирилди. Гуруҳ аъзолари маҳаллалардаги 1953 та хонадонга кириб, вояга етган ҳар бир фуқарони пахта йиғим-теримига жалб этиш бўйича тарғибот ишларини олиб бормоқда.

Мавсумий ишчи-хашарчилар ёрдамида тумандаги барча фермер хўжаликлари бирин-кетин шартномавий режани бажармоқда. Ана шундайлардан яна бири «Қувончбек Омонов» фермер хўжалигидир. 18 кунда 120 тоннадан зиёд пахта топшириб, шартномавий режани бажарган фермер ҳар йилгидек гектаридан 40 центнердан ҳосил йиғиб олди.

— Ушбу уюғимизда нафақат ишчиларимиз, балки «Ешгайрат» маҳалласининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Мунаввар Баратова бошчилигидаги мадад гуруҳи аъзоларининг ҳам улуши катта бўлди, — дейди хўжалик раиси Дийр Омонов. — Ҳар кун 45 нафар маҳалла хашарчиси гайронат кўрсатиш режа мuddатидан олдин бажаришди. Энг муҳими, биз топширган пахта тоза ва сифатли терилгани боис олий навга қабул қилинди.

Ҳар иккала фермер хўжалиги давлатга пахта топшириш шартномавий режани бажарган бўлса-да, айни вақтда йиғим-терим ишлари қизғин давом этмоқда.



мактабни битирган 100 нафарга яқин ўқувчининг барчаси таълимнинг кейинги босқичига қамраб олинди. Хуллас, қаерда эътибор, меҳроқибат бўлса, ўша жойда маънавий муҳит барқарордир.

**ХУРМАТЛИ ЮРТДОШЛАР!**  
**«АСАКА» БАНК**  
қўйидаги миллий ва хорижий валюталардаги мuddатли омонат турларини тақлиф этади:  
**миллий валютада:**  
**«ФАРОВОН ТУРМУШ»**  
Омонатнинг сақланиш мuddати 12 ой.  
Ҳисобланган фоизлар омонат очилганда ёки омонат мuddати тузгандан сўнг тўланади.  
**«ТЕЖАМКОР»**  
Омонатнинг сақланиш мuddати 12 ой.  
Ҳисобланган фоизлар ҳар ойда коммунал хизматлар ва бошқа тўловларга йўналтирилади.  
**«СОҒЛОМ АВЛОД»**  
Омонатнинг сақланиш мuddати 24 ой.  
Ҳисобланган фоизлар ҳар чоракда ёки омонат мuddати тузгандан сўнг берилади.  
**«МУСТАҲҚАМ ОИЛА»**  
Омонатнинг сақланиш мuddати 18 ой.  
Ҳисобланган фоизлар ҳар ойда ёки омонат мuddати тузгандан сўнг берилади.  
**хорижий валютада:**  
**«ШОДИЁНА» (АҚШ долларига)**  
Омонатнинг сақланиш мuddати 24 ой.  
Ҳисобланган фоизлар 12 ой ўтгандан сўнг ёки омонат мuddати тузгандан сўнг берилади.  
**«СТАБИЛЬНЫЙ-1» (ЕВРОДА)**  
Омонатнинг сақланиш мuddати 12 ой.  
Ҳисобланган фоизлар омонат мuddати тузгандан сўнг берилади.

Шу билан биргаликда, «Асака» банк 90 дан ортиқ турдаги миллий ва хорижий валюталарда қулай шартларда омонатларни тақлиф этади. Омонатларни банкнинг барча филиалларида расмийлаштириш мумкин.

**Мурожаат учун телефонлар: 120-39-81, 120-39-60, 120-39-63.**

Филиаллар номи:	Телефон рақамлари:	Филиаллар номи:	Телефон рақамлари:
Тошкент шаҳар филиали	371 120-83-13	Наманган вилоят филиали	369 226-91-45
Автотранспорт филиали	371 120-39-95	Навой вилоят филиали	436 770-24-09
Шайхонтоҳур филиали	371 140-39-36	Зарафшон филиали	436 573-18-75
Юнусобод филиали	371 221-80-67	Бухоро вилоят филиали	365 223-70-05
Сирғали филиали	371 257-44-10	Бухоро шаҳар филиали	365 770-11-27
Тошкент вилоят филиали	371 120-84-13	Самарқанд вилоят филиали	366 233-65-47
Андижон вилоят филиали	374 298-02-10	Афросиёб филиали	366 221-75-40
Асака филиали	374 233-15-68	Қашқадарё вилоят филиали	375 221-07-41
Фарҳод филиали	374 226-97-53	Сурхондарё вилоят филиали	376 770-82-12
Фарғона вилоят филиали	373 224-70-83	Қорақалпоғистон филиали	361 770-60-56
Марғилон филиали	373 237-62-23	Хоразм вилоят филиали	362 226-96-03
Олтиариқ филиали	373 432-10-11	Сирдарё вилоят филиали	367 225-44-03
Кўқон филиали	373 552-61-06	Жиззах вилоят филиали	372 226-43-11

**Барча омонатларингиз Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди томонидан кафолатланади!**

**Сизнинг омонатларингиз:**  
— солиқлар ва мажбурий тўловлардан озод!  
— маълумотлари сиз сақланиши тўлиқ кафолатланади!  
— эгаллик ва тасарруф ҳуқуқи ўз ихтиёрингизда!  
— миқдори чекланмаган!

**«Асака» банк — сармоянгизни сақланиши ва кўпайишини кафолатлайди!**  
Хизматлар лицензияланган.

ЙИҒИНЛАР ҲАЁТИДАН

Барча бирдек масъул вазифа

Маҳалланинг маънавий тарбия маскани сифатида баркамол авлод-ни вояга етказишдаги ўрни бекиёс. Бола шу маскандан ўзидан катталарга салом бериш, кексаларга ҳурмат, кичикларга иззат кўрсатиш сингари инсоний фазилатларни кўриб-кузатиб улғаяди, хашарларда иштирок этади ва ана шу анъаналар уни тарбиялаб боради.

Муҳиддин НУРОВ,  
Қарши шаҳридаги  
«Харамжўй» маҳалла  
фуқаролар йиғини раиси.

Аваллари фарзандларимиз кўшни ҳудудлардаги мактабларга бориб ўқишарди. Энди маҳалламизда ҳам Мактаб таълимини ривожлантириш умум-миллий дастури бўйича янги замонавий мактаб қурилди. Қувонарлиси, фуқаролар йиғини идораси билан мактаб биноси ёнма-ён жойлашган. Бу эса ўзаро ҳамкорликни яхши йўлга қўйишимизда кўл келмоқда.

Ёшлар доимий назоратда, уларнинг бўш вақтлари ҳам ҳисоб-китобли. Бунда, албатта, йиғинлар қошида фаолият юритаётган Вояга етмаганлар, ёшлар ва спорт масалалари бўйича комиссиянинг олиб бораётган ишлари эътиборга лойик. Комиссия «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, «Нуроний» жамғирмаси ҳамда мактаб педагогик жамоаси билан биргаликда турли тадбирлар, учрашувлар, спорт мусобақалари ташкил этиб келаётир.

Фарзандларимизни турли ёт оқимлар ёки «оммавий маданият» таъси-

рига тушиб қолишдан асраш асосий вазифаларимиздан. Ота-оналар билан сўхбатлар чоғида фарзандларининг бўш вақтларида нима билан машғуллиги, қўл телефони ёки компьютердан қандай мақсадларда фойдаланаяётганини назардан четда қолдирмаслигини таъкидлаймиз.

«Ота-оналар университети»ни ташкил қилгандан бери ота-онанинг бурчи, фарзанд тарбияси, ўзаро муомала маданияти хусусида учрашувлар уюштириб келяпмиз. Уларда Қарши давлат университетининг профессор-ўқитувчилари ҳам иштирок этишиб, ибратли оила бошлиқларининг фикр-мулоҳазалари тинганиб келинмоқда.

Шунингдек, мактабимизни битирган ёшларни касб-хунар коллежлари-га жалб этиш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратганмиз. Жорий йил

СПОРТ ИНШООТЛАРИ

# Жасоратга етаклаган матонат

Юртимизда спортни ривожлантириш, соғлом турмуш тарзини омдалаштириш бўйича амалга оширилган ишлар кўпгина иқтидорли ёшларнинг камол топишига замин яратмоқда. Имконияти чекланган ёшларнинг жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланиб, мусобақаларда иштирок этишлари учун ҳам шарт-шароитлар етарли. Бу борада Фарғона шаҳридаги «Орзу» ногиронларни соғломлаштириш спорт клуби фаолияти эътиборга молик.



■ Расул КАМОЛ «Mahalla»

Клубда машғулотлар ўтаётган спортчилар турли мусобақаларда совринли ўринларни қўлга киритиб келишмоқда. «Орзу»нинг футбол жамоаси республика ногирон-ампутантлар ўртасидаги мусобақаларда ўз маҳоратини намойиш этиб, совринли ўринга эга бўлишди. Шунингдек, Наманган шаҳрида ўтказилган мамлакат биринчилигида клуб спортчилари сузиш, ядро улуктириш ва оғир атлетика бахсларида ғолибликни қўлга киритди. Абу-қаҳор Абдуллаев эса Тунис шаҳрида энгил атлетика бўйича ўтказилган жаҳон гран-при турнирида бронза медал билан тақдирланди. Айтиш керак, клуб сафида 20 нафардан ортиқ имконияти чекланган ёш паралимпий ўйинлари сирасига кирган спорт турлари билан шуғулланишмоқда.

Ушбу клуб мураббийи Илҳомжон Эшонқулов 11 ёшида оёғидан шикастланган. Умумтаълим мактабини битиргач, Фарғона шаҳридаги имкония-

ти чекланган шахслар учун ихтисослаштирилган касб-хунар коллежида тахсил олди. Спортга иштиёқи, ғайрат ва шижоати боис «Орзу» ногиронлар футбол жамоасида тўп сурди ва сузиш, ядро улуктириш мусобақаларида муваффақиятли иштирок этди. Кейинчалик мураббий мактабига қўтарилди.

Матонатли бўлиш кишидан катта чидам, сабр-тоқат талаб этади. Илҳомжон юрт шаъни, қадр-қимматини муносиб ҳимоя қилиш, иқтидорли спортчи ёшларни тарбиялашга баҳоли қудрат ҳисса қўшиб келмоқда. Бундай эзгу сазой-харақатлари натижасида у жорий йилда «Жасорат» медал билан тақдирланди.

— Мамлакатимизда ижтимоий кўмакка муҳтож, имконияти чекланган инсонлар қўллаб-қувватланади, уларга амалий ёрдам кўрсатилади, — дейди Илҳомжон Эшонқулов. — Менга билдирилган юксак ишонч ва эътибор янги ғалабалар сари ўндайди. Қувонарлиси, имконияти чекланганлар учун ҳам барча жабҳада кенг шароитлар яратилган. «Орзу» спорт клубида иқтидорли, жасур спортчи ёшлар талайгина. Шогирдларим Темур Камолов ва Мухаммадсоҳиб Исмоилов «Матонат» футбол жамоаси таркибига тўпа суришмоқда. Улар Мексикада бўлиб ўтадиган ампутант-футболчилар жаҳон чемпионати бахсларида юртимиз шарафини ҳимоя қиладди.

Замонавий, қулай шарт-шароитларга эга «Давр» спорт мажмуасида машғулот ўтаётган клуб ёшлари айтиш керак, Қақшадарё вилоятида ташкил этиладиган навбатдаги спорт бахсларига ҳозирлик қўришмоқда.

ЁШЛАРГА ОИД ДАВЛАТ СИЁСАТИ — АМАЛДА

# Истиқлол фарзандининг истиқболи порлоқдир

Мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар жараёни ҳамда кучли фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий демократик давлат қуришдек эзгу мақсадлар рўйида ёшларнинг ўз ўрни ва ҳиссаси бор.

■ Холбиби САФАРОВА «Mahalla»

Президентимиз раҳнамолигида юртимизда жисмонан соғлом, маънан етук, мустақил фикрлайдиган ва интеллектуал салоҳиятли авлодни вояга етказиш борасида улкан ишлар амалга оширилмоқда. Эртанги кун эгаларининг замон талаблари даражасида таълим-тарбия олиши, спорт билан шуғулланиши, саломатлигини мустаҳкамлаши, ҳордиқ чиқариши, ўз кучи, билим ва салоҳиятини намоян этиши учун кенг имкониятлар яратилган. Зеро, навқирон авлодни вояга етказиш ва тарбиялаш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишидир.

Қўрбошимизнинг жорий йил 6 февралда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори бу борадаги ишларни янада такомиллаштириш ва янги босқичга кўтаришда муҳим омил бўлди.

— Туманимиз аҳолисининг аксариятини ёшлар ташкил этади, — дейди «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Учқудуқ тумани бўлини раиси Икром Раҳимов. — Уларнинг бугунги кун талабларига жавоб бера оладиган, баркамол бўлиб вояга етиши учун барча шарт-шароитлар муҳайё. Жумладан, Мустақиллигимизнинг 23 йиллиги байрами арафасида туманимизда «Камалак» ёшлар маркази бизнес фойдаланишга топширилди. Бу ерда ташкил қилинган Учқудуқ тарихига оид кўргазмалар зали, «Заковат» клуби, «Ёшлар» театри, ўғил ва қиз болалар учун спорт машғулотлари зали, компьютер хонаси, электрон кутубхона ҳамда 13 та тўғрақ ёшларнинг бўш вақтларини маъмули ўтказишларида қўл келмоқда.

Туманда 19 та мактаб, 7 та мактаб-гача таълим муассасаси, 2 та касб-хунар коллежи мавжуд. 2013-2014 ўқув йилида 502 нафар йиғит-қиз касб-хунар коллежини битирган бўлса, шундан 45 нафари имтиёзли банк кредит-



лари эвазига ўз бизнесини йўлга қўйди. Қолганлари ўзлари амалиёт ўтаган ва меҳнат ярамқаларида қатнашган корхона, ташкилотлар билан уч томонлама шартнома асосида ишга қабул қилинди.

Худудда болалар спортини ривожлантириш, малакали спортчилар тайёрлаш, мураббийлар меҳнатини рағбатлантириш бўйича самарали тизим йўлга қўйилган. Айтиш керак, «Лочин» спорт мажмуаси, 30 дан ортиқ спорт зали ҳамда 58 та майдонча болаларнинг спортга меҳр қўйиб, жисмонан соғлом вояга етиши учун хизмат қилмоқда. Мазкур имконият ва шарт-шароитларга жавобан учқудуқлик ёшлар сузиш, теннис, кураш, бадий гимнастика, шахмат-шашка ҳамда қаратэ бўйича совринли ўринларни қўлга киритишмоқдалар. Тажрибали мураббийлар раҳбарлигида спортнинг бир қатор турлари билан доимий шуғулланиб келаётган ёшлар Осиё ва жаҳон чемпионатларида юқори ўринларни банд этмоқда. Жумладан, «Айтим» маҳалласидан Хусниддин Бўриев шу йилнинг 1-7 июнь кунлари Жанубий Американинг Йоханнесбург шаҳрида спортнинг оғир атлетика тури бўйича ўтказилган жаҳон чемпионатида иштирок этиб, 52 килограмм вазнда 2 та кумуш ва 2 та бронза медалини қўлга киритди.

Туман ёшлари нафақат спорт, балки таълим ва санъат соҳаларида ҳам муваффақиятларга эришмоқда. 20-умумтаълим мактабининг 7-синф ўқувчиси, Абай номидаги маҳалладан Гулчирай Равшанова «Билимлар беллашув» — 2014» кўрик-танловининг республика босқичида она тили ва адабиёт фанидан энг юқори — 98 балл тўплаб, фахрли биринчи ўринни эгаллаган бўлса, соҳир овоз соҳиби Серижан Жаҳаҳмедов «Шўхрат» медал билан тақдирланди. У жорий йил Тошкент шаҳрида ўтказилган «Ягонасан, муқаддас Ватан» кўрик-танловиди ҳам ғолибликни қўлга киритди.

Юрбошимиз қарори ихросини таъминлаш мақсадида «Камолот» ЕИҲ ҳамда Халқ таълими муассасалари фаолиятини методик ташкил этиш бўлими билан ҳамкорликда «Биз — буюк юрт фарзандларимиз!» фестивали, «Ёш сиёсатчи», «Ўлкамиз тарихини ўрганиш», «Менинг бизнесим», «Сиз қонунни биласизми?», «Ёш истеъмолчи» каби кўрик-танловлар ва қўллаб-қўлланган ёшларнинг таълим ва ҳаётини яхшироқ қилиш мақсадида ёшлар ўртасида доимий йилда соғлом турмуш тарзи ва ҳуқуқий маданиятни тарғиб этиш учун маънавий-маърифий тадбирлар, учрашув-мулоқотлар ўтказилмоқда. Айтиш керак, «Биз» фестивали, «Ёш истеъмолчи» каби кўрик-танловлар ва қўллаб-қўлланган ёшларнинг таълим ва ҳаётини яхшироқ қилиш мақсадида ёшлар ўртасида доимий йилда соғлом турмуш тарзи ва ҳуқуқий маданиятни тарғиб этиш учун маънавий-маърифий тадбирлар, учрашув-мулоқотлар ўтказилмоқда. Айтиш керак, «Биз» фестивали, «Ёш истеъмолчи» каби кўрик-танловлар ва қўллаб-қўлланган ёшларнинг таълим ва ҳаётини яхшироқ қилиш мақсадида ёшлар ўртасида доимий йилда соғлом турмуш тарзи ва ҳуқуқий маданиятни тарғиб этиш учун маънавий-маърифий тадбирлар, учрашув-мулоқотлар ўтказилмоқда.

Туман ёшлари нафақат спорт, балки таълим ва санъат соҳаларида ҳам муваффақиятларга эришмоқда. 20-умумтаълим мактабининг 7-синф ўқувчиси, Абай номидаги маҳалладан Гулчирай Равшанова «Билимлар беллашув» — 2014» кўрик-танловининг республика босқичида она тили ва адабиёт фанидан энг юқори — 98 балл тўплаб, фахрли биринчи ўринни эгаллаган бўлса, соҳир овоз соҳиби Серижан Жаҳаҳмедов «Шўхрат» медал билан тақдирланди. У жорий йил Тошкент шаҳрида ўтказилган «Ягонасан, муқаддас Ватан» кўрик-танловиди ҳам ғолибликни қўлга киритди.

ПРЕМЬЕРА

# Илк бор катта метражда ва долзарб мавзуда

Алишер Навоий номидаги кино саройида «Гумроқлар» бадий фильмининг премьераси ҳамда фильм ижодкорлари ва оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирокида матбуот анжумани бўлиб ўтди.

■ Шерзод ҚУРБОНОВ

Реал воқеаларга асосланган бу бадий фильм «Ўзбекино» Миллий агентлиги буюртмасига кўра, «Ватан» киностудиясида суратга олинган. Фильм сценарийси Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати томонидан тўпланган ҳужжатлар асосида ёзилган. Мазкур фильмининг эътиборли жиҳати шундаки, унда мамлакатимиз тарихининг, халқимизнинг осуда ҳаётига раҳна солмоқчи бўлган, халқроқ доираларда ўз Ватани шайнига нон-кўрларча бўҳтон тошмини отаётган баъзи қабиҳ ниятли мухожир юртдошларимизнинг кирдикорлари фош қилинади.

Фильм сценарийсига кўра, воқеалар жаҳоннинг турли минтақаларида юз бериб, маънан заиф кишиларни диний-экстремистик оқимларга жалб қилиш орқали ўзларининг ёвуз ниятларига эришмоқчи бўлган кимсалар дунёнинг қайсидаир бурчада беркинби олиб, Тошкент, Андижон, Ўш воқеаларини келтириб чиқаришга урингани, бироқ ўзбек халқининг метин иродасини буқолмаганидан аламзада эканликлари ҳаққоний тасвирланган.

Фильмининг салбий қаҳрамони — бир пайтлар йирик тадбиркорлардан саналган Оллоёр Шукуров (Самандар Ҳамроқулов ижросида) манфур кимсалар тўрига илиниб, онаси, ота-онаси, Ватанидан айрилади ва халқ душмани деган иснодга қолади. Оқибатда у ўзга юртларда хор бўлиб, нақадар мудҳиш хатога йўл қўйганини жуда кеч англайди ва ўзини қонун ҳимоячилари қўлига топширади.

Фильмининг асосий ғояси халқимизни, ўсиб келаётган ёш авлодни турли бузуқ ғоялар таъсирига тушиб қолмасликка, атрофимизда руй бераётган воқеа-ҳодисаларга лоқайд қарамасликка, уларни холис мушоҳада этишга чорлашдан иборат.

Муҳокамада тасвирга олиш чоғида йўл қўйилган баъзи жузъий камчиликлар ҳам тилга олинди, бироқ бу камчилик ёвуз ниятларига эришмоқчи бўлган кимсалар дунёнинг қайсидаир бурчада беркинби олиб, Тошкент, Андижон, Ўш воқеаларини келтириб чиқаришга урингани, бироқ ўзбек халқининг метин иродасини буқолмаганидан аламзада эканликлари ҳаққоний тасвирланган.

Фильмининг томоша қилар экансиз, ўзбек кино санъати илк бор катта метражга долзарб сиёсий-ижтимоий мавзудаги фильм орқали дунё кино майдонига чиқиш салоҳиятига эга бўла бошлаганига амин бўласиз.



# Харидлар бармоқ ёрдамида

Венесуэлада энг зарур озиқ-овқат маҳсулотларини харид қилишда назорат тизими ўрнатилган бўлди.



Бунда бармоқ изларини сканер қилишдан фойдаланилади. Ҳозирга қадар 800 минг нафардан зиёд аҳоли ўзининг биометрик маълумотларини тақдим этган. 30 ноябрдан кейин барча супермаркетларнинг кассаларида бармоқ изларини ўқийдиган қурилмалар

ўрнатилган бўлиши лозим. Бу эса аҳолининг зарур озиқ-овқатга эҳтиёжи, харид ҳажми ҳамда танқисликларни назорат қилиш имконини беради.

Мамлакат раҳбари Николас Мадуронинг қайд этишича, мазкур тизим «халқ супермаркетлари» дея аталувчи давлат дўконлари билан бирга ҳусусий савдо марказларига ҳам жорий этилади.

Қўллаб товарларнинг танқислиги боис Латин Америкаси мамлакатлари орасида Венесуэлада инфляция энг юқори даражада (50 фоиз) қайд этилган.

# Саргузашт истаб...

Норвегиялик 18 ёшга тўлмаган айрим ўсмирлар Сурияга бориб «Ислом давлати» жангарилик томонида курашмоқда.

«The Local» нашрида қайд этилишича, илгарироқ Германия ҳукумати вакиллари 24 нафар ўсмир Сурия ва Ироққа йўл олганини таъкидлаган. «Германияда кузатилаётган ҳолат бизда ҳам руй бермоқда», дейди Норвегия хавфсизлик хизмати матбуот котиби Мартин Бернсен. Унинг сўзига кўра, ўсмирларнинг ота-оналари билан профилактик суҳбатлар ўтказилган. Айрим оила бошиқлари фарзандларининг жангариларга қўшилишига қатъиян қарши эканини билдиришса, баъзилари буни оддий ҳол сифатида қабул қилаётди.

Утган йили Норвегиянинг Берум шаҳридан ўнлаб қизлар қўйишни қанда қилмайдилар. Ахир, бу у учун қутилмаган совға бўлди.



маньялик тўрт нафар вояга етмаган қиз ҳам уруш ўчоқларига олганган. «Улар жиходчиларга турмушга чиқишни ўта романтик ҳолат санаб, шунга қарор қилишган», дейди Германия разведка хизмати раҳбари Ханс Георг Маассен.

Қизга давлатлари расмийлари бу ҳолдан жиддий ташвишга тушишмоқда.

■ Интернет материаллари асосида Н. АСЛОН тайёрлади.

ГУЗАРДАГИ ГУРУНГЛАР

# «Ҳайитликни сиз бердингиз, биз қабул қилдик...»

Ҳайит байрами яқинлашгани сайин Салим муаллимнинг ичига чирок ёқса ёршади. Бонси яқинда қизини узатган, куда томонга ҳайитлик бериш керак. Муаллим ёшлик чоғида бунақа дабдабазларга гувоҳ бўлмаган. Ҳали-ҳамон ёдида: тўйлари камтарона ўтган, келинчакнинг сени ҳам битта трактор тиркама-сига сиққан эди.

■ Илҳомжон РАҲМАТОВ «Mahalla»

Тўйдан кейин эр-хотин етаклашиб қайнотасининг уйига боргани, дастурхонга қўл чўзишга ийманиб ўтиргани, қайнонаси мажбурлаб қўлига тутказган тугунчани минг ихтилоҳ билан кўтариб қайтгани... Бу дамларни унутиб бўларканми! Уларнинг бор-йўқ «олди-берди»си шундан иборат эди. Ҳозир-чи!

Хотинининг айтишича, ҳозир замон бошқача эмаш. Тўй кунги ҳашаматни кўя туринг, эртаси кунни қиз томон учун бошланадиган «тайёрла», «бер», «узат»ларнинг охири кўринмайди. Бир ҳафтага қизи тушган хонадонга нонушта тайёрлаб жўнатди. Ундан кейин икки ой ҳар ҳафта уйига келган қизининг қўлига қайтишида ош ёки қозон қабоб, норин ёки қовурилган товуқ, хуллас, катта тоғорада бирон тансиқ таом тутказиб юбориши шарт. Йўқса...

Муаллим салкам қирқ йилдири, мактабда ёшларга сабоқ беради. Маҳалла ахлининг тенг ярами шогирдлари, деса муболага бўлмайди. Ҳурмати ҳам шунга яраша. Бироқ

кейинги вақтларда гузарга кам чиқадиган, чойхонада ўтиролмайдиган бўлиб қолган. Тўйдан гап очилган жойда-ку, бир зум тоқат қилиб туролмайди. Дарди ичида. Ахир, тўйдан кейинги чиқимлар ҳам муаллимни анча чарчатиб қўйди. Майли, кенжа қиз деб тўйни эл қатори ўтказди. Дошқозонда ош дамлатиб, сахарда маҳалла-қўйни чакирди. Илгарилари фақат хатна тўйида шунадай қилинарди. Муаллим уч ўғли билан хатнасида ҳам, никоҳида ҳам элдан қарзини узган. Қариндош-уруғ, қолаверса, хотини қаттиқ туриб олди. Ноилоҳ, қиз узатаётганда ҳам беш юздан ортиқ одамга таклифнома тайёрлатди. Тўйдан уч ой ўтар-ўтмас, куёвболанинг, ундан сўнг онасининг, кейин синглисининг туғилган куни бўлди. Муаллим шу ёшга кириб, ҳали туғилган куннинг бундай дабдабали нишонлишини кўрмаганди. Энди эса ҳайит яқин.

Эрталаб ишга жўнаш олдинда уйда шунинг жанжали бўлди: куда қандайдир қирқта сават (кўп бўлса бўлинки, биронта ҳам кам бўлмасин) жўнатиш керак экан. Фурсат оз, Ҳурмати ҳам шунга яраша. Бироқ

вақт бор. Бозорга чиқариб сотай деса, молхонаси ҳам бўм-бўш. Тўйдан аввал бу ерда сигир, бузоқ, қўш ҳўкиз боғлиқ турарди. Энди уйда биронта парранда ҳам қолмади. Ўғилларининг толгани ўзларидан ортамайди. Нима қилиш керак? Яна бирон қариндошдан қарз кўтарсинми? Аввал олган қарзларини ҳали узгани йўқ-ку!

Салим муаллим шу хаёллар билан кетиб бораркан, «Э, куда, бор-мисиз?» деган овоздан ўзига келди. Қараса, қудасининг дўкони ёнидан ўтиб бораётди. Аҳмад дангал (таваққалчи, чўртқесарлиги учун шундай аташди) кучоқ очиб қаршича қимқоқда. Бу қудаси асли ўзининг шогирди. Тиришқоқ, ҳар ишга қўл уриб, ўзини синаб қўришдан чўчи-майди билан бу ўсмирга Салим меҳр қўйганди. Дарсдан кейин қўлиб, қўшимча машғулот ўтарди. Ҳозир Аҳмад дангал маҳалланинг олди одамларидан: топармон-тутармон, қўша-қўша дўконлари, тикувчилик чеҳи бор.

— Устоз, бормисиз? — деди у Салим муаллимни енгилгина бағрига босар экан. — Қизимиз ҳар уйга бор-келганида саломингизни айтади-ю, ўзингиз билан бир хотиржамроқ ўтиролмадик. Юринг ичкарига, чой тайёр.

Қудасининг самимий таклифи, қолаверса, ҳайитлик беришдан аввал бир маслаҳатлашай-чи, деган ўй

билан муаллим дўконга кирди. Дид билан жиҳозланган жойдаги юмшоқ диванга чўкиб, ўзаро ҳол-аҳвол сўраган бўлдилар.

— Бироз паришонроқ кўринасиз, тинчликми ишқилиб, куда? — Аҳмад дангалнинг саволидан сўнг ўртага оқмоқдай сукунат чўкди. Муаллим вазиятни қўлга олиш учун юзиди енгил табассум билан деди:

— Тинчлик, куда. Шу, яқинда бўладиган маросимлар хаёли билан кетаётувдим. Ҳайитлик, дегандай. Эрталабдан қудохолангизнинг арздодини эшитиб чиқяпмиз-да.

— Э, ўлманг куда. Мен ҳам худди шу масалада сизга учрашмоқчидим. Қаранг, ният холис экан, кўришдик.

Муаллимнинг юзидиги нимтабассум йўқолди. «Қани, нима гапи бор экан», дегандай Аҳмад дангалга жиддий қаради.

— Энди, гапнинг пўстқалласи шу. Мен ҳам қиз узатганман. Хархашасини яхши биламан. Қурбим этиб, айтганидан ҳам аъло даражада қилиб беряпман. Лекин қиз томонининг чиқими тўхтаб қолмайди. Шунга, кўнглингизга келмаса, сизга таклифим бор. Ўйлаб қарасан, кейинги вақтларда ортиқча урф-одатлар болалаб кетибди. Ким ўзарга давом эттирилверса, ҳеч ким охирига етолмайди. Сиз маҳалланинг обрўли кишиларидансиз. Иккимиз бош қўшиб, «олди-берди»ни қамайтирсак.

Шу ҳайитликни сиз бердингиз, биз қабул қилдик ҳисоб. Келишдикми?! Муаллим қаршида қўл узатиб турган қудасига қараганча, ҳайитдан довдираб қолди. Худди ичидиғи фикрларини ўқиб олаётганга ўшайди, бу дангал қурмагур. Наҳотки, ёки синаб қуряптимизми? Ундай бўлса, сир бой бермаган маъқул.

— Э, нималар деяясиз, сиз ўйлаганчалик оғир шароитда эмасман... — Кўйсангиз-чи, устоз. Айтдим-ку, мен ҳам қиз узатган, белим синишига сал қолди. Келинимдан жуда ҳам хурсандман. Тарбиянгиз кўриниб турибди. Энди, бу ёғига биз рози. Ҳозир, шу ерда бир дақиқа қимирламай туринг.

Аҳмад дангал пештахта ортига ўтиб кетди. Озроқ вақтдан сўнг қўлида каттақон қора чарм портфель билан қайтди.

— Ибони, тарбияли қиз ўстирганингиз учун бу сизга совға. Ҳайитликни қиз томон эмас, аксинча, биз беришимиз керак. Шунга рози бўлиб қабул қилинг.

Салим муаллим қудасининг дўконидан қачон, қандай чиқганини билмайди. Худди ёш боладек ҳаяжон, хурсандчилик билан мактаб томон борар экан, қўлида ялтираб турган, муаллимга ўзгача салобат бағишлаган портфельга ҳавас билан қараб қўйишни қанда қилмайдилар. Ахир, бу у учун қутилмаган совға бўлди-да.